

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил 27 апрель куни, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик қилувчи Ў.Ҳадаров,

Н.Мирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ўринбосари Р.Икромов, судланувчи Н.Каримов, адвокат Ф.нажмиддиновнинг иштирокида, [REDACTED] [REDACTED] оид 1-2101-2201/94-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED] 1965 йил 08 май куни Қозоғистон Республикаси Туркистон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, [REDACTED]

[REDACTED], Навоий шаҳар Жасорат кўчаси 8-уй 27-хонадонда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 25.02.2022 йилда "Гаров" қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг "в" банди, 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

Департаментнинг Навоий шаҳар бўлими ҳамда Навоий вилояти ИИБ ЖҚБ Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан фуқаро [REDACTED] аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро [REDACTED] алдаб, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқаро [REDACTED] билан тил бириктириб, [REDACTED] қайнонаси [REDACTED] Кармана туман тиббий меҳнат экспертизасидаги танишлари орқали ногиронлик нафақасига чиқариб бериш эвазига 3,0 млн сўм пулларни талаб қилиб, 2021 йил ноябрь ойи ўрталарида 1 млн 500 минг сўм пулларни пора тариқасида олиб, 10.12.2021 йил куни соат 13:40 да Навоий шаҳар "Ғалаба шох" кўчасида жойлашган 8-умумий ўрта таълим мактаби биноси ёнида кимёвий ишлов берилган 1 млн 500 сўм пулларни ҳамшираси [REDACTED] орқали олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.



██████████ ўзининг юқоридаги ижтимоий хавфли ҳаракатлари, яъни бир гуруҳ бўлиб тил бириктириб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "в" бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари, ██████████ қайнонаси ██████████ ўзининг Кармана туман тиббий меҳнат экспертизасидаги танишлари орқали ногиронлик нафақасига чиқариб беришни ваъда қилиб, эвазига 3 млн сўм миқдоридаги пулларни талаб қилиб, И.С.Ботировани пора беришга далолатчилик қилиб, 10.12.2021 йил куни соат 13:40 да Навоий шаҳар "Ғалаба шох" кўчасида жойлашган 8-умумий ўрта таълим мактаби биноси ёнида кимёвий ишлов берилган 1 млн 500 сўм пулларни ҳамшираси ██████████ орқали олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи ██████████ суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам Кармана тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиникада невропатолог врач бўлиб ишлаши. Хизмат вазифаларига беморларни қабул қилиб уларни кўрикдан ўтказиш, беморда касаллик аниқланса соғломлаштириш чораларини кўриш, беморларни амблатор ва стационар тарзда даволаш, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соҳага оид буйруқлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилган ҳолда ишларни олиб бориш кабилар кириши. 2021 йилнинг ноябрь ойининг ўрталарида фуқаро Темирова Мақсуда келиб ногиронлик нафақасига чиқиш истагида эканлигини билдгани. Унга дастлаб ногиронлик нафақасига чиқиш харажатлари учун 1500,0 минг сўм беришини айтгани, ██████████ ногиронлик нафақасига чиқиш харажатлари учун 1500,0 минг сўм бериб кетганлиги. Шундан сўнг яъни 2021 йилнинг 7 декабрь куни ██████████ келини ██████████ менга кўнғироқ қилиб ██████████ опани келиниман олдингизга бормоқчиман дедганлиги ва кўп тармоқли поликлиникага ишхонамга олдимга келиб қайнонаси ██████████ бозорда кўчада савдо ишлари билан шуғулланиб юрганлигини, уни тезроқ ногиронлик нафақасига чиқаришга ёрдам беришини айтгани. Унга қайнонаси ██████████ ногиронлик нафақасига чиқиш харажатлари учун яна 1500,0 минг сўм бериши кераклигини айтгани. Шундан сўнг ██████████ эртага келаман деб кетганлиги, меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли ишга бормагани. ██████████ кўнғироқ қилиб эртага бораман учрашамиз дегани, 2021 йил 10 декабрь куни ██████████ кўнғироқ қилиб кўп тармоқли поликлиникада кутиб ўтирганлигини, тезроқ келишини Каттақурғонга кетишини айтгани. Унга боралмаслигини айтиб, унга хонасидаги ҳамшира ██████████ пулларни бериб кетишини айтгани. Бироздан сўнг ҳамшира ██████████ кўнғироқ қилиб бозорга бораётганлигини ██████████ бериб кетган 1500,0 минг сўмни



бирдан элтиб берайми деганлигини, шундай қилишини айтгани, [REDACTED] уйини ёнига яъни Навоий шаҳар Жасорат кўчаси 10 уйни ёнига келганлигини, келини [REDACTED] билан бирга [REDACTED] ёнига борганлигини, [REDACTED] 1500,0 минг сўм пулни олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушлангани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўради.

[REDACTED] айби ўзининг судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судда тўпланган қуйидаги далиллар, яъни:

жабрланувчи [REDACTED] судда, зарарни қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги; жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, жабрланувчи Ботированинг кўрсатувларига ўхшаш берган кўрсатуvi билан;

гувоҳ [REDACTED] судда, 1.500.000 сўм пулни олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушлангани ҳақидаги кўрсатувлари, шунингдек, [REDACTED] аризалари, пулларни кўздан кечириш, қайд этиш, кимёвий ишлов бериш ва фуқарога бериш ҳақидаги баённома, [REDACTED] ўртасидаги суҳбат ёзиб олинган диктафонни эшитиб кўриш баённомаси, ходиса содир бўлган жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома, дискка ёзиб олинган сўзлашувларни эшитиб кўриш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи **Д.Бектемировага** жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни ғараз ва бошқача паст ниятда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унинг шахсини, илгари судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, пенсионерлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган, бошқа енгилроқ турдаги жарима жазоси, ЖК 168-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ушбу модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, [REDACTED] ва [REDACTED] етказилган зарарни қоплаш мақсадида берилган пулларни давлат фойдасига ундиришни;



тадбир жараёнида фойдаланилган 1.500.000 сўм пуллар АТБ Департаментнинг Навоий шаҳар бўлимига қайтарилгани сабабли муҳокамадан чиқаришни;

Навоий вилоят прокуратурасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган ва [REDACTED] қўлларидан олинган суртмалар, махсус қалам ва махсус кукун намуналарини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида яъни 2.700.000 (икки миллион етти юз минг) жарима жазоси, ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга муаян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида жарима жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг ижроси Навоий шаҳар ИИБга юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

[REDACTED] нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга қўйилган ва Навоий вилоят прокуратурасининг “Микрокредитбанк” Навоий филиалидаги ҳисоб рақамида сақланаётган 5.450.000 сўм пуллар гаровга қўювчи – [REDACTED] қайтарилсин;

Жабрланувчи [REDACTED] давлат фойдасиг 1.500.000 (бир миллион беш юз минг) ундирилсин;

Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган, [REDACTED] қўлларидан олинган суртмалар, махсус қалам ва махсус кукун намуналари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар 20 сутка ичида, судланувчи унга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест беришга ҳақлидир.



Раислик қилувчи
Ў.Ҳайдаров

ИМЗО

Аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Ҳайдаров Ўткур Муҳаммадиевич, 21.05.2022

